

**МУҲАММАД УМАР**

# **ШАБНАМ**

*Шеърлар*

Тошкент - 2008

МУҲАММАД УМАР (Аҳмедов Баҳриддинович) 1965 йилнинг 3 июлида Фарғона вилояти Бешарик тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Янгиқишлоғида туғилган.

1998 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги аспирантурани битирган. Ҳозирги кунда мазкур университетнинг Бадий графика факультетида ўқув ишлари бўйича декан муовини.

Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган. «Муҳаббатим-эртагим» (1998) ва «Нигорим» (2006) номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

## ШАБНАМ

Шабнам,  
Кипригимни, бас, энди тарк эт,  
Шабнамим вақт етди, самойингга кет.  
Шабнам, юрагимдан тўкилган дурым,  
Баҳримдан ўтди ёр, энди сен ҳам ўт.

Шабнам,  
Аста томдинг нурсиз кўзимдан,  
Гулдан рашк қилурлар пойлаб изимдан.  
Мен гулга талпиндим, югурдим, елдим,  
Йиқилиб қон оқар, ачиб тизимдан.

Шабнамим,  
Шабнамим,  
Кел, юзимдан ўп,  
Тиз чўкиб тош ботган қон тизимдан ўп.  
Қаърингга мен чўкиб боряпман шабнам,  
Кел энди, шабнамим, кел, изимдан ўп.

Шабнам,  
Юрагимдан оқиб чиқасан,  
Вужудимга оташ ёқиб чиқасан.  
Сен чиқсанг бир енгил тортар-ей дилим,  
Кўксимга ё ханжар қоқиб чиқасан.

Шабнам,  
Ярашасан гулнинг ўзига,  
Бор энди, хол бўлгил гулнинг юзига.  
Гуллар мендан кечиб кетдилар, шабнам,

Уйлантир, кел, мени хоннинг қизига.

Юрагим қайларга чоғланди яна,  
Хонқизи тўнидай доғланди яна.  
Сен мени, мен сени тарк этолмасмиз,  
Шабнамим тақдирлар боғланди яна.

Шабнам,  
Кипригимни, бас, энди тарк эт,  
Шабнамим вақт етди, самойингга кет.  
Шабнам кўзларимдан тўкилган нурим,  
Баҳримдан ўтди ёр, кел, баҳримдан ўт.

## **БЕКАМ**

Кечиб келдим, кечиргил мени,  
Боролмадим қошингга ҳар дам.  
Бу дунёда диёнат қани,  
Жисму жоним бекаси  
Бекам.

Туш кўраман, пичирлар лабим,  
Тушларимда чорлайсан:  
«Тўрам...»  
Бу дунёга сиғмади ҳаддим,  
Жисму жоним бекаси  
Бекам.

Ўн йилдирки муштоқ кўзимиз,  
Яшамоққа келтирдим қасам.

Мана олти ёшда қизимиз,  
Жисму жоним бекаси  
Бекам.

Бу дунёнинг эртаги ёлғон,  
Ишонганим қилади алам.  
Ишонгувчи мен ўзим нодон,  
Жисму жоним бекаси  
Бекам.

Ўғил-қизим...  
беадад шукр,  
Асли менда не ташвиш, не ғам.  
Меҳрингизни қумсайди кўнгил,  
Жисму жоним бекаси  
Бекам.

## **ТУҲФА ЭТДИМ СИЗГА ҒАЗАЛ**

Чалай десам чалдирмаслар,  
Ё чалмаслар созларини.  
Кўтарур деб бизга қилур,  
Аразлару нозларини.

Лабин буриб гап бошласа,  
Уяладур булбул ўздан.  
Йўқ демаслар узил-кесил,  
Ё айтмаслар розларини.

Беписанддур бизга қулдай,

Кўйлагимни йиртур кулиб.  
Бизни атаб дайди, ғариб,  
Шоҳ билурлар ўзларини.

Шоҳим дедим, сажда қилдим,  
Пойига бош қўйдим, мана.  
Сурма қилай келинг, дедим,  
Кўзларимга изларини.

Севмоқ куллик фасли эмас,  
Ўзни англаш фасли эрур.  
Бир кун келиб тутиб берур  
Лабларимга кўзларини.

Келмоғимга зор бўлурлар,  
Тўлғонурлар то тонг қадар.  
Мени эслаб ўртанурлар,  
Гулга босиб юзларини.

Ҳар кимсага розин айтмас,  
Ота рози-Худо рози.  
Иймони бут, ақли тийран  
Ўзбегимнинг қизларини.

Не сабабдур тонгда туриб,  
Тухфа этдим шул ғазални.  
Кўнглингизга олманг зарра  
Муҳаммаднинг сўзларини.

**БУ КЕЧА**

Қалбимизни ўғирлаб  
Кетди жонон бу кеча.  
Дарди ҳижрон жомини  
Тутди жонон бу кеча.

Лабларида чағилур  
Менинг исмим, найлайн.  
Кўнглимизни чангитиб  
Ўтди жонон бу кеча.

Гул кўтариб гулларга  
Эртагимни сўзладим.  
Бизни куттириб, кимни  
Кутди жонон бу кеча.

Мени кўриб энтикса  
Севади деб ўйлардим,  
Ё дардини ичига  
Ютди жонон бу кеча.

Менинг узатган қўлим  
Қолиб кетди ҳавода.  
Ўзга қўлни бегумон  
Тутди жонон бу кеча.

Юрагингда ҳувиллаб  
Нима қолди Муҳаммад?  
Муҳаббатнинг бошига  
Етди жонон бу кеча.

## ГУЛЧИ ҚИЗ

Гул сотасан, эй гулчи қиз, гулинг гўзал,  
Ошиқ ўлдим, гулингдан ҳам ўзинг гўзал.  
Саралайсан гулларингга сувлар сепаб,  
Мунчалар ҳам, жонон, нозик қўлинг гўзал.

Ошиқ ўлдим гулларингнинг сарасига,  
Сотиб олай, майли дардим чорасига.  
Рухсорингнинг доғи қолди юрагимда,  
Малҳам бўлсин лабингни бос ярасига.

Бу дунёда сендан ортиқ гул бормикан,  
Сени севган менингдек бир кул бормикан.  
Юрагингни гули бўлиб борай десам,  
Юрагингга элтар тўғри йўл бормикан.

Ёдинг сенинг вужудимни қамчилайди,  
Ишқ азоби кўзларимдан томчилайди.  
Гул рухсоринг кўз ўнгимдан кетмайди, ёр,  
Ҳижрон дарди юрагимни чимчилайди.

Гул сотади бир гулчи қиз, гули гўзал,  
Ошиқ ўлдим, гулидан ҳам ўзи гўзал.  
Тил учинда менинг ишқим муҳри бордир,  
Сўзлаганда гулчи қизнинг сўзи гўзал.

## УСТОЗЛАРИМГА

Субҳидамда сизни эслаб  
битурман ашъор устозлар.  
Руҳим тетик жисмим оро  
юракда сиз бор устозлар.

Соҳибқирон бошин эгди  
хурматингиз бажо айлаб,  
Қаршингизда чўкурман тиз  
такрор ва такрор устозлар.

Тенгсиз боғнинг боғбонисиз  
рашк қилурсиз Қуёшдан ҳам,  
Қизғанурсиз хатто ойдан  
тунлари бедор устозлар.

Пойингизни кўзга суртиб  
ўтди не-не буюк зотлар,  
Менку хом сут эмган банда,  
тарихдур иқрор устозлар.

То тириксан устозларинг  
унутсанг дил намак ургай,  
Жисмим аро сиз жон қадар  
жонга баробар устозлар.

Шул даргоҳнинг чангин ютдим,  
тупроғини ўпгим яна,  
Эҳтиромим сизга чексиз,  
хурматим бисёр устозлар.

Ёлғизгина ўтинчим бор,

эй Муҳаммад Умар сендан,  
Магар ўзинг минор билсанг  
унутма меъмор устозлар.

\* \* \*

Биламан,  
Кимгадир ёқмас сўзларим...  
Биламан,  
Кимгадир ёқмас исмим ҳам...

Биламан,  
Қўлини кўксига қўйиб  
Ҳолимни сўраган анави зотнинг  
Сурати кулса ҳам сийрати кулмас.

Биламан...  
Биламан,  
Турган шу ерим  
Отасин маҳрига тушгани каби  
Кўргани кўзи йўқ кулиб турса ҳам.

Биламан,  
Мен билан хайр-хўшлашиб  
Омонлик сўрайди менга худодан,  
Ортимдар захрини сочмоқлик учун...

\* \* \*

Бир маҳал,  
чўчиб уйғондим.  
Кўзларим косаси лиммо-лим шароб.  
Маст эдим,  
бир оз сархушроқ.  
Бўкиб...  
ичган бўлсам керак ўзиям.

Ўзимда...  
хушим йўқ эди.  
Итдай  
хуриб кетгандир,  
балки...  
Қўриқчилаб ойдин шарпани.  
Ўшанда  
Кўчамдан ўтмаганмидинг?..

## **ИККИМИЗ**

Чанг кўчада юрганлар ҳам иккимиз,  
Қирда лола терганлар ҳам иккимиз,  
Ётга гулин берганлар ҳам иккимиз,  
Биз иккимиз, ўша айбдор иккимиз.

Бир-бирларин ишонмаган ойларга,  
Кўксин қалқон қилиб тутган ёйларга,  
Бир-бирини бериб қўйган ёвларга,  
Биз иккимиз, ўша ғаддор иккимиз.

Севишганлар худди қадим эртакдай,

Нилуфар гул бўй чўзмаган кўлмакдай,  
Япроқ ёзмай хазон бўлган куртакдай,  
Биз иккимиз, ўша баҳор иккимиз.

Бир-бирига ҳали кўнгил ёрмаган,  
Ўзга ёрнинг кўчасига бормаган,  
Бир-бирларин сўнг изига зорлаган,  
Биз иккимиз, яна такрор иккимиз,

Йигит бошим ишқинг аро хам бўлди,  
Кўзларимда аччиқ-аччиқ нам бўлди,  
Ошиқларнинг бари жамулжам бўлди,  
Биз иккимиз, зор-интизор иккимиз.

## **НЕЧУН МЕНИ ТУШУНМАЙСИЗ**

Сарвиқомат суманбарлар,  
Эй қадрдон биродарлар,  
Сизсиз менинг қалбим додлар,  
Эй нокаслар, эй сайёдлар  
Сизлар мени тушунмайсиз.

Сузук кўзлар қаро-қаро,  
Йўлларимиз тушди айро,  
Ёр бўлмаган бахт алвидо,  
Юрагимни айлаб яро  
Кўзлар мени тушунмайсиз.

Мен кетаман қалбимда из,  
Кипригимда парча юлдуз,

Юрагимга санчар бигиз,  
Суворийман якка, ёлғиз,  
Қизлар мени тушунмайсиз.

Шеър ёзаман дилим ёзиб,  
Ўз шеъримдан кўнглим озиб,  
Юрагимни дорга осиб,  
Қайтолмайман қайта босиб,  
Излар мени тушунмайсиз.

Оёқларим қадоқ бўлди,  
Тизласам тош пичоқ бўлди,  
Тизим ачиб дил доғ бўлди,  
Неки ўтди сабоқ бўлди  
Тизлар мени тушунмайсиз.

## **АРМОНИ БОР**

Осмондаги юлдузлар.  
юлдузимсиз нетайин?!  
Юлдузимни берингиз,  
висолига етайин!

Орангизда суйганим,  
йўлларимни ёритар,  
Юлдузимни эсласам,  
юррак-бағрим оғритар.

Армони бор дилимда,  
ёди ёмон қийнайди,

Юрагимни шаббода,  
япроқ қилиб ўйнайди.

Осмонлардан сўрасам,  
юлдузимни бермади.  
Ёр ҳам чиқди бевафо,  
суйганимни билмади.

Оҳ, юлдузлар, юлдузлар,  
сизда қолди илинжим,  
Юлдузимни эсласам,  
ёниб кетади ичим.

\* \* \*

Лабингизда холингиз бор суйдиргувчи,  
Қарашингиз ўтли бирам... куйдиргувчи.  
Мен шўрлик бир шўрпешана йигит бўлсам,  
Менда не бор сизга қабоғ уйдиргувчи.

Болалиқдан ойга ҳавас қилар эдим,  
Қўл чўзаман.  
Қўлим етмас билар эдим,  
Кетар эди мандан айни тонг чоғида.  
Қўлим силтаб ойга оқ йўл тилар эдим.

Ўртанаман юрагимда алам ёниб,  
Жамолига тўёлмадим бир бор қониб.  
Сиз ҳам кетинг юз ўгириб жафокаш ёр,  
Кетишларига кўникканман мандан тониб.

Кўнгул экан,  
Кўнгул тушди узр биздан.  
Ўпкаласам ўпкалайман фақат ўздан,  
Лабингиздек тарс ёрилган юрагимда,  
Холингиздай доғ қоларда сиздай қиздан.

Лабингизда холингиз бор суйдиргувчи,  
Қарашингиз ўтли бирам... куйдиргувчи.  
Мен шўрлик бир ғарибгина йигит бўлсам,  
Яна не бор айтинг қабоғ уйдиргувчи.

\* \* \*

Қошларингиз қилич-эй,  
юрак-бағрим қиймалар,  
Кокилингиз қамчидай,  
вужудимни тилкалар.

Тутиб бердим кўксимни,  
қўйгил дедим, ўксинма,  
Йиғлаб-йиғлаб қон дилим,  
яна кимдан ўпкалар?

Бошида ёлғон дедим,  
сиздан неча панд едим,  
Суйдим жигар хун бўлиб,  
бир жилмайиб ўтсалар.

Олгил жанон дардимни,

лабимдаги гардимни,  
Кипригингла супургил,  
зора малҳам топсалар.

Кўзинг қорачиғиман,  
гавҳариман, чўғиман,  
Кўзларингдин ҳайдама,  
қабоғларинг ёпсинлар.

Жисму жоним эзилди,  
ким билмади, ким билди,  
Муҳаммадни, эй дилдор,  
лабинг излаб топсинлар.

## **ЕНГИЧА БЎЛМАС**

Менга ваъда қилманг еру осмонни,  
Демангиз шеър ёзмок ўткинчи ҳавас.  
Баргдаги томчидай омонат жоним,  
Онамнинг ёш артган енгича бўлмас.

Менга ваъда қилманг жаннат тўла ҳур,  
Қишлоқлик қадок қўл қизга арзимас.  
Ўтаверсин қизлар олдимдан бир-бир,  
Онамнинг ёш артган енгича бўлмас.

Айбим не...

қалбингиз тўла кир, қусур,  
Борлик-да, йўқлик-да дилга қор қилмас.  
Мавжудлик бўлса-да шу тўртта унсур,

Онамнинг ёш артган енгича бўлмас.

Арзимас ваъдангиз парча арқоққа,  
Ғанимлар тош отиб ортимдан толмас.  
Кетаман, кетаман Янгиқишлоққа,  
Онамнинг ёш артган енгича бўлмас.

Қабрига тош қўйдим, бас, армонимнинг,  
Қабримга ғишт териб диллари тўлмас.  
Соғиниб шеър ёзсам, онажонимнинг  
Кўзёшимни артган енгича бўлмас.

## **ИЖАРАЧИ ҚИЗ**

Тош кўчангда тошларни тепиб,  
Ижарачи бека изладим.  
Ижарага қўй сингилжон деб,  
Мушиги-ю, итин сизладим.

Тош кўчангда тошларни тепиб,  
Оёқларим қадоқ бўлди ёр.  
Бир калима ширин сўзингга,  
Юраккинам муштоқ бўлди ёр.

Ижараги қўймаган қизнинг,  
Юрагига йўл бўлсин бизга.  
Ошиқ бўлма демаганмидим,  
Тош шаҳарнинг сулув қизига.

Кет бевафо, кетсанг кетавер,

Армон бўлиб қолсин муҳаббат,  
Чимилдиққа кирмасингдан ёр,  
Юрагингдан олсин муҳаббат.

Сўнг ортимдан елиб-югурма,  
Эр йигитлар қайтмас изидан,  
Умар сени қўймасин худо,  
Ўша содда қишлоқ қизидан.

\* \* \*

Ой тўлишар айланиб,  
Қолдим сенга бойланиб.  
Тилим айланмай қолар  
Сўзлай десам шайланиб.

Ёнаман бу туйғудан,  
Бошим чиқмас қайғудан.  
Гўё энди уйғондим  
Қирқ йил ухлаб уйқудан.

Ўртайверар оқ кушим,  
Ўзимда йўқ эс-хушим.  
Лабимни чой куйдирди  
Эмас экан бу тушим.

Ой тўлишар айланиб,  
Қолдим сенга бойланиб.  
Тилим айланмай қолар  
Сўзлай десам шайланиб.

Раҳминг келмасму малак,  
Тош бўлмасинда юрак.  
Ишқ сол ёрнинг дилига  
Шафқат қил ўзинг фалак.

## ҚАЛДИРҒОЧИМ

Қалдирғочнинг қанотидай силкинган қош,  
Сирларини ким билмаган, ким билган қош,  
Қилич бўлиб юрагимни минг тилган қош,  
Кўриб нечун қувонмасин кўзим менинг.

Ишқим қолди шул қошларнинг қорасида,  
Ул қошларга қўл тегмаган, норасида,  
Ўлимим шул қаро қошлар орасида,  
Чирой сизга бўлса бўлсин, тўзим менинг.

Ўсма юрса қошни босиб тарам-тарам,  
Яшагиси келиб кетар экан одам,  
Ёт кизларга уйлан дейди зўрлаб онам,  
Қайда қолиб кетар йигит сўзим менинг.

Ёш ўтмоқда, бол келтирмай асалари,  
Мен тотмадим бу ҳаётнинг таъмин ҳали,  
Ул гўзалнинг ёди кетмас кўздан нари,  
Ёдга тушса титрагайдур тизим менинг.

Учиб кетма, учиб кетма қалдирғочим,  
Армон отлиғ тор сўқмоқда бўл йўлдошим,

Не кунларни кўрмади бу ўксик бошим,  
Армонлардан шода-шода тизим менинг.

Қалдирғочнинг қанотидай силкинган қош,  
Сирларини ким билмаган, ким билган қош,  
Қилич бўлиб юрагимни минг тилган қош,  
Кўриб нечун қувонмасин кўзим менинг.

## ДУНЁ

Яланғоч дарахтлар,  
Яланғоч туйғу,  
Яланғоч орзулар хўрсинар оғир.  
Яланғоч кечалар,  
Келмайди уйқу,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

Яланғоч кўчалар,  
Яланғоч йўллар,  
Изларим супирар  
Шамоллар дилгир.  
Изимни ўпмоқни истади гуллар,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

Ниманг бор,  
Айт сенинг мафтун этгувчи,  
Ниманг бор,  
Ҳар нега эурсан қодир?  
Сен соқий,  
Сен малак,

Шароб тутгувчи,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

Ортингдан эргашдим  
Маст-аласт бўлиб,  
Не куйга солмадинг мени,  
О, тақдир!..  
Шароб қуй,  
Эй соқий  
Жомни тўлдириб,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

Ширинсан-  
Болари келтирган болдай,  
Аччиқсан,  
Чайнадим гўё қалампир.  
Ошиқман,  
Ишқингда мункайган чолдай,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

Сочингни силадим  
Сумбул соч пари,  
Тонгдай оқ сочларинг тўкилди бир-бир.  
Нечун сенга етмас  
Муҳаммад зори,  
Ёр бўлмоқ истамас манга шум кампир.

О, соқий,  
О, малак,  
Етим боладай  
Бош қўйгим келди бир

Қайноқ бағрингга.  
Тоғларда бўй чўзиб сўлган лоладай  
Бағри қон болангман  
Олма қахрингга!..

## ЁР АЙЛАБ

Қолиб кетманг касрига,  
ошиғингиз хор айлаб.  
Кетиб қайга борурсиз  
ўзгани дилдор айлаб.

Қайда малҳам топибди,  
ким топибди ҳаловат,  
Бўғим-бўғим сочларин  
ёр бўйнига дор айлаб.

Исмингиз-ей кўксимдин  
юлинмайди гул каби,  
Қўйнимдин юлинди гул  
япроғига зор айлаб.

Хазонрезги шамоллар  
ҳаёлимни супирар,  
Кошки Сизни унутсам  
кўз ёшларим кор айлаб.

Кўзингиз юминг унда  
менинг мунглиғ ишқим бор.  
Кўзингизга беркиндим

ишқсизлардин ор айлаб.

Нигоҳ не, лабингизни  
ёт лабга банд этдингиз,  
Муҳаммаднинг кўзига  
бу дунёни тор айлаб.

Қолиб кетар бўлдингиз  
бир йигитнинг касрига.  
Етиб қайга борурсиз  
бевафони ёр айлаб.

## **ИЗТИРОБ**

Паға-паға булутлар ўтди,  
Соя солиб ўтди бошимга.  
Бошимга қор ёғдириб кетди,  
Оғу солиб кетди ошимга.

Кетолмайман энди қишлоққа,  
Кетолмайман,  
Этагим қоқиб.  
Журъат етмас  
Ё қўл урмоққа,  
Мени ғулув этади тақиб.

Ош келганда дастурхонимга,  
Енг шимариб ўтирди кўплар.  
Оро кирмас экан жонингга  
Оғу тушиб,

Тарк этди дўстлар.

Ўтирибман,  
Ёлғиз ва сўқир,  
Ўйлаб дилим ақлдан озар.  
Юрагимни бир қалам ўқир,  
Дардим олар оппоқ қоғозлар!..

## **БАҲОР НАФАСИ**

Қорлар эриб кетмоқда, қорлар,  
Дарахтларда қарға «қорррр-қорррр» лар,  
Яхмалакка дилларни зорлаб,  
Қиш ўтмоқда, қиш ҳам ўтмоқда.

Бойчечаклар тошдан юмалаб,  
Дўланалар ўсиб ўрмалаб,  
Деразани музлар тирмалаб  
Аста-секин эриб битмоқда.

Шудринг ювиб гуллар юзини,  
Таратишиб ширин исини,  
Маст айлашиб хоннинг қизини,  
Лабларига бода тутмоқда.

Булоқларга тиниқлик бериб,  
Юракларга илиқлик бериб,  
Кўнгулларга синқлик бериб,  
Яна баҳор эшик қоқмоқда.

Шилдир-шилдир оқиб жилғалар,  
Далаларда гуллаб жийдалар,  
Қиқирлашиб шўх-шан қизчалар,  
Яна дилни ўтда ёқмоқда...

\* \* \*

Бир кампир бор бизнинг қишлоқда,  
Сал кам чиққан тентакка номи.  
Ҳовлисини супирмас эмиш  
Бу ерлардан ўтган деб чолим...

Ҳовли хароб,  
Ҳовлиси мискин,  
Ҳовлисидан кампир мискинроқ.  
Чоли қайтмас...  
Билади...  
Бироқ,  
Эрта-ю кеч кутади ғамгин.

Ҳар баҳорда эшик олдида  
Супачада ўлтирар кампир.  
Ҳар гиёҳу майсани силаб  
Тушларига сўрайди таъбир.

Ўтган-кетган кулиб ўтади,  
Кампир кутар  
Энтикиб,  
Хориб.  
«Она» дегим келар тиз чўкиб,

Ўпгим келар қўлидан бориб.

Эй девқомат  
Ташна лаб дўстим,  
Эй ҳилватдан ишқ излаган қиз  
Келинг,  
Кўринг,  
Ундан ўрганинг  
Чин МУҲАББАТ,  
САДОҚАТни сиз!!!

## ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизлик тегирмон тошидир,  
Ғичирлаб эзади дилимни.  
Кўзимни ачитиб муттасил  
Ҳидлари  
анқийди  
ўлимни.

Зулимот  
торгади бағрига,  
Оғзини очади  
Тор уйим.  
Онамни соғиниб йиғлайди  
Зорланиб  
тор уйда  
кенг кўнглим! . .

\* \* \*

Дўст эдикми, шунчаки таниш?  
Иш тушса ҳам чекмадик ташвиш,  
Дўслигимиз қилмасман тафтиш  
Йўлларимиз айро тушган кун.

Юрак айро, икки бўлинди,  
Кўнгил уйи чилпарчин синди,  
Томиримда гўё қон тинди,  
Йўлларимиз айро тушган кун.

Тубанликка юз тутса виждон,  
Инсон қадри пўчокдан арзон,  
На сенда мунг, ва на хаяжон,  
Йўлларимиз айро тушган кун.

Сен ҳам эрсан, сен ҳам отасан,  
Сен наздингда буюк, каттасан,  
Кўзимга тик қараб сотасан,  
Йўлларимиз айро тушган кун.

Хатойим кўп, менда ҳам бор айб,  
Сенга ҳам суф, менга ҳам минг хайф,  
Балки сотиб қиладурсан кайф,  
Йўлларимиз айро тушган кун.

Дерлар айтсанг дўстинг кимлигин,  
Сенга баҳо бераман тайин,  
Энди сени ким деб айтайин,  
Йўлларимиз айро тушган кун.

## НАҲОТКИ

Тонгда туриб шамолни сўкдим,  
Ҳаёлимни кетдилар бузиб.  
Оғирлашиб бормоқда кўксим,  
Залворли тош  
Залвори босиб.

Ерга борар оёғим ботиб,  
Ер титрайди  
Пойим зарбидан.  
Она ер ҳам қўяди сотиб  
Кўксидаги излар зарбидан.

Довул турар,  
Елади шамол,  
Изларимни ёпади аста.  
Ичим ёнар,  
Қийнар бир савол:  
Унутсалар,  
Наҳот бир пастда?!

Наҳот,  
Энди ёд этмасалар!  
Наҳот,  
Тупроқ тўлди кўзимга!  
Наҳот,  
Оғир тошдайин чўкар  
Муҳаббатим оғриқ кўксимга.

Наҳот,  
Еллар ҳолимга қўймай  
Ўз майлига солиб кетади. . .  
Наҳот,  
Кўзим хаётга тўймай  
Кўнглим  
ундан  
қолиб  
кетади?!

\* \* \*

Ердан эриб муз, қорлар кетди,  
Дилдан эриб ғуборлар кетди,  
Юраклардан иқрорлар кетди,  
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Қирқда севар эмиш эр инсон,  
Ўттиз уч йил севдимми ёлғон?  
Бизга севги бешиқдан қолган,  
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Сизда икки ёдим, хаёлим,  
Сизда менинг суйган ҳилолим,  
Шукур дейман жуфту ҳалолим,  
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Бўй чўзмокда биз эккан боғлар,  
Унутилмас илк висол чоғлар,

Ошиқ бўлмас аҳли нодонлар,  
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

Ердан эриб муз, қорлар кетди,  
Дилдан эриб ғуборлар кетди,  
Чин юракдан иқрорлар кетди,  
Муҳаббатга ошно бўлибмиз!

## **АЙРИЛИҚ**

Хувиллаб боғ қолди ортингда,  
Увиллаб тоғ қолди ортингда,  
Кўксимда доғ қолди, кўксимда,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Сен юрсанг боғ-роғлар яшнарди,  
Пойингга қуёш гул тўшарди,  
Сен кетдинг...  
Кўзларим ёшланди,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Сен кетдинг боғ-роғлар йиғлади,  
Ер-осмон, тош-тоғлар йиғлади,  
Кўксимда ғам, доғлар йиғлади,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Мунчалар бу дунё озорлик,

Маъсума дамлардан ёдгорлик,  
Фарзандим йиғлайди, зор-зорлик,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Болам деб кўксига босмаган,  
Бўйнига кўзмунчоқ осмаган,  
Фарзандин камолин кўрмаган,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Икки ўт орода ёнаман,  
Сен десам оламдан тонаман,  
Қизчамга отаман, онаман,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Сен мени ташладинг кимларга,  
Беҳаё, бағритош қувларга,  
Дардимни айтайми сувларга?  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Мангуга бош қўйдинг кут мани,  
Бевафо оламда ишқ қани,  
Сенсиз бу ҳаётда йўқ маъни,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

Хувиллаб боғ қолди ортингда,  
Увиллаб тоғ қолди ортингда,

Кўксимда доғ қолди, кўксимда,  
Алвидо суюклим,  
Алвидо!

## ЧАҚАЛОҚЛАР

Сен кўз очиб кўрган дунё,  
Гулга кўмилгандай гўё.  
Энди битди ғам-андухлар,  
Менга тирноқ берди Худо.

Чақалоқлар, қўғирчоқлар,  
Кўзичоқлар, овунчоқлар,  
Эриб битди юрагимни  
Эзиб ётган оху-воҳлар.

Армайди кўзимдан ёш,  
Мева берди сабру-бардош.  
Борар йўлимни ёритдинг  
Бағримдаги митти куёш.

Кўзларимнинг қорасисан,  
Юрагимнинг садоси сан,  
Сен билмайсан, болажоним  
Сен дадангни дунёсисан.

Неча йиллар кутдим болам,  
Неча дардлар ютдим болам.  
Жажжи кўлингдан бир ўпсам  
Кулфатлар тарк этди болам.

Улғаярсан ҳали замон,  
Йиллар ўтар омон-самон,  
Кўнгилларга берма озор  
Муҳаббатга ёрдир инсон.

Чақалоклар, қўғирчоқлар,  
Кўзичоқлар, овунчоқлар,  
Эриб битди юрагимни  
Кемирётган оху-воҳлар.

## **БИЛМАСИН ЗИНҲОР ГЎЗАЛ**

Кўнглимнинг оҳ-воҳини  
билмасин зинҳор гўзал.  
Дилдаги ишқ доғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Билмасин дил куйигин,  
куйганимни сезмасин.  
Муҳаббат қийноғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Қошларига қоқилиб  
қолсин имлар йиқилиб,  
Қош имлаган чоғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Учиб борай ёнига,  
оро кириб жонига.

Айрилиқ сиртмоғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Тушлар кўриб тунлари  
қолсин лабда унлари,  
Ошиғининг доғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Севдим деб айтолмадим,  
ортимга қайтолмадим.  
Қалбимнинг титроғини  
билмасин зинҳор гўзал.

Ўртанмоқда жон-танним,  
ўз кўксимга урганим  
Хижроннинг пичоғини  
билмасин зинҳор гўзал.

## **ДЎСТЛАРИМГА**

Бир йигит қоқинса минг бир тоғ қулар  
Қоялар ўприлар аламдан бешак.  
Кўзингизга боқиб бўз кўнглим конар  
Нима бор дўсларим Сизлардан бўлак.

Қувонсам қувониб суйган ўзингиз,  
Дардимни юракдан туйган ўзингиз,  
Бу ғариб ҳолимга куйган ўзингиз,  
Нима бор дўсларим Сизлардан бўлак.

Бошимга иш тушса чопганларим Сиз,  
Пойига тиз чўкиб ўпганларим Сиз,  
Дунёда орттириб, топганларим Сиз,  
Нима бор дўсларим Сизлардан бўлак.

Кўкларга боқиб мен ой тиланмадим,  
Номарднинг кўлидан чой тиланмадим,  
Тиз чўкиб яшашни ҳеч ўрганмадим,  
Нима бор дўсларим Сизлардан бўлак.

Онажоним ётар тупроқ остида,  
Ғанимларим менинг жоним қастида,  
Қалб кўрим, юрагим дўстлар дастида,  
Нима бор дўсларим Сизлардан бўлак.

## **ТОҒ ҚИЗИ**

Шаҳарнинг ой қизлари  
Терар киприк, қошгача.  
Тоғ қизига тараф йўқ  
Тоғ қизлари бошқача.

Сутдай оқу, тунлари  
Ой нурига чўмилар,  
Момоқаймоқ қизларжон  
Гуллар ичра кўмилар.

Юзлари ол олмадай  
Олма қандай карсиллар,

*Юзларига термулсам*

Юрак қурғур чарсиллар.

Гул қизларга гул бериб  
Гул кўнглин ололмайсан.  
Содда момоқаймоқни  
Йўлингга соллолмайсан.

Турибман сизга ташна  
Оёғимда зўрға ман.  
Узиб олай дейману  
Қўл чўзгани қўрқаман.

## **САНАМ**

Жон десам жондан азиз,  
Шавкату шондан азиз.  
Жон берсанг арзир, санам  
Ўтар ҳар ондан азиз.

Муҳаббат балким шудир,  
Ҳеч ушалмас орзудир.  
Армон бўлу кел санам  
Юрак бағримни куйдир.

Ёнайин оташингда,  
Оқайин кўзёшингда.  
Ўйласанг мени санам  
Мен шу лаҳза қошингда.

Бас, сурсанг бўлди ҳаёл,  
Табассум қилиб хиёл.  
Юрагимнинг аршида  
Бўлурсан бахтли аёл.

Жон десам жондан азиз,  
Шавкату шондан азиз.  
Жон берсанг арзир, санам  
Ўтар ҳар ондан азиз.

## **СЕНИНГ ИШҚИНГ**

Кўзим юмсам кўнглим бирлан кўраман,  
Бармоғимда сочин тараб ўраман,  
Ўзим бекман, ўзим ҳоқон, тўраман  
Сенинг ишқинг шоҳу султон айлади.

Гул лабингдан саҳар шабнам ичаман,  
Тилсин майли, гул-ла хоринг кучаман,  
Ҳаёллардан ҳаёлларга учаман,  
Сенинг ишқинг бошим осмон айлади.

Ўтолмайман ҳаёллардан нарига,  
Йўлиқдим-а қайдан сендай парига,  
Кетолмайман қўлим силтаб барига,  
Сенинг ишқинг дилим вайрон айлади.

Ўтар умрим бевафодан ишқ талаб,  
Бармоғидан ўпиб бир-бир кун санаб,  
Қаландарлар айлаб қўйдинг бир қараб,

Сенинг ишқинг зору-сарсон айлади.

Кўзим юмиб узолсайдим дилимни,  
Кимга ёрай юрак тилим-тилимни,  
Қамраб олган севгинг ўнгу тушимни,  
Сенинг ишқинг лолу хайрон айлади.

\* \* \*

Қадринг билмоқчи эрсанг  
жонондан сўраб кўргил.  
Эр қадрини кўкраги  
осмондин сўраб кўргил.

Ўтар умр шамолдай  
туткич бермас туйғулар,  
Умрингни зое ўтган  
бир ондин сўраб кўргил.

Карвон ўтган йўлидан  
қайтар бир кун из босиб,  
Умр борса келмасдир  
дастондин сўраб кўргил.

Табиатку яшнагай  
баҳор келса энтикиб,  
Бошингдаги оқ гулни  
виждондин сўраб кўргил.

Сўраб кўргил майлига

кўнгул қолмасин ҳаргиз,  
Чаманларнинг қадрини  
хазондин сўраб кўргил.

Хазонрезги шамоллар  
супурди ёшлигимни,  
Қолган умринг завқини  
иймондин сўраб кўргил.

## ОЙ ГЎЗАЛ

Сиз гўзалсиз ой гўзал,  
Киприклари ёй гўзал.  
Сизнинг маскан самода  
Бизга қайда жой гўзал.

Бир назар ташламайсиз,  
Биз бирлан яшамайсиз,  
Юлдузларга ястаниб  
Бизга муз тўшамайсиз.

Шунчалар бўларму ноз,  
Куздир баҳор, кишдир ёз.  
Ялиниб ёлворгунча  
Ёр сочига ўзинг ос.

Сиз гўзалсиз ой гўзал,  
Малоҳатга бой гўзал.  
Биз сизнинг наздингизда  
Совиб қолган чой гўзал.

Барҳам беринг нозларга,  
Етайлик биз ёзларга.  
Назар солмас йигитлар  
Вафоси йўқ қизларга.

\* \* \*

Суюкли малагим паризод,  
Кел мени дардлардан қил озод.  
Иккимиз яшайлик шод-хуррам  
Биласан, беш кунлик бу хаёт.

Нималар кечмади бошимдан,  
Тош чиқар гар есам ошимдан.  
Кўксимда юрагим бўзлайди  
Юракка оққан кўз ёшимдан.

Хўп ширин муҳаббат озори,  
Шу қизга айтайин дил зори.  
Ҳеч кимса куймаган менингдек  
Ўртаса юракни дилдори.

Рози бўл, ёр ҳофиз Озотдан,  
Куйласа куч олар хаётдан.  
Юрагим қолдириб ёр билан  
Ўтаман армонда тор билан.

\* \* \*

Қирларда очилган ол лола,  
Ел бирлан рақс тушар шалола.  
Ер чизиб чимириб қошини  
Лоладай қизарар қизбола.

Кўнглига кирайин ром айлаб,  
Ўтказдим кунимни шом айлаб.  
Тўлдирди шаробга ул малак  
Кўзларим косасин жом айлаб.

Зорим бор, зўрим йўқ найлайн,  
Қайси бир қийноғин ўйлайн.  
Ёр кўнглим қолдирди дунёдан  
Кўзларим хаётга тўймайин.

Энди мен қайларга бораман,  
Қай дўстга кўнглимни ёраман.  
Бир нигоҳ ташлангиз биз томон  
Одамдай яшасам зора ман.

Қирларда очилган ол лола,  
Ким бирлан рақс тушар шалола.  
Ер чизиб, чимириб қошини  
Лоладай қизарар қизбола.

\* \* \*

Келмайсизми, юрибсизми биздан нари,  
Юрибсизми биздек ёмон кўздан нари,

Кетолмайсиз аввал босган издан нари,  
Таъқиб қилар билмай берган ваъдалари.

Икки қошнинг орасида дерлар ўлим,  
Икки қошим орасида ўзинг гулим,  
Бормай қолди ҳеч бир ишга сенсиз қўлим,  
Йўлин пойлаб чиқдим бедор кечалари.

Дарпардалар ёзиб қўйиб деразага,  
Боқмайсизми ёки биздек бемазага,  
Кетавердим борган каби мен азага,  
Мотамсаро бўлиб қолди кўчалари.

Ишқим дедим, нелар қилдим кор қилмади,  
Ё кокилин сиртмоқ қилиб дор қилмади,  
Кор қилмади, дор қилмади, ор қилмади,  
Ор қилмади ваъда бериб нечалари.

Эгиб қўйди найлай йигит бошимизни,  
Сим-сим қўйиб юракка кўзёшимизни,  
Ё синамоқ бўлдими бардошимизни,  
Муштоқ эди бизга қанча-қанчалари.

Келмайсизми, юрибсизми биздан нари,  
Юрибсизми биздек ёмон кўздан нари,  
Кетолмайсиз аввал босган издан нари,  
Таъқиб қилар билмай берган ваъдалари.

\* \* \*

Муҳаббат нелигин ошиқлар билур,  
Севгидан сўз очсам бўлма сўзимни.  
Муҳаббат қиличи қалбимни тилур,  
Сенинг кўзларингда кўрдим ўзимни.

Ишқидан тонмоқлик осийнинг иши,  
Ерга қаратмагин Оллоҳ юзимни.  
Баҳордай яшнагай ошиқнинг қиши,  
Сенинг кўзларингда кўрдим ўзимни.

Севаман, тонмайман, ҳар кун сахарда  
Чечаклар қоплагай босган изимни.  
Севаман десам мен қилмагин зарда,  
Сенинг кўзларингда кўрдим ўзимни.

Кўнгил гавҳаридир сеvги, муҳаббат  
Ишқимдан юмолмам ахир кўзимни.  
Севги салтанати яратган ҳилқат  
Сенинг кўзларингда кўрдим ўзимни.

## **ОҒРИҚ**

*Дўстларим Муротали ва Муҳаммадҳалилларга.*

Мен баҳордан кечиb кетмам ёзлар билан,  
Ишимиз йўқ вафосиз таннозлар билан,  
Сув сепишиб ўсдик қишлоқ қизлар билан,  
Бизни суйиб суйдирсалар майли эди,  
Сувлар сепиб куйдирсалар майли эди.

Қирда бирга бойчечаклар терган эдик,  
Бармоғимда сочин тараб, ўрган эдик,  
Олма отса бир тишламай берган эдик,  
Майли эди зорласалар олмасига,  
Чидар эдик кўзни юмиб ҳаммасига.

Ўт-ўланлар терар эдик кенг далада,  
Ҳеч кимса йўқ, зоғ ҳам учмас бир паллада,  
Ишвасига тушунмабмиз, биз бола-да,  
Ўт чакнади, юз қизариб кўзимиздан,  
Эркаланиб кетибмиз-эй ўзимиздан.

Қўлларига қўлим тегса кулар эди,  
Юрагимга нотаниш ҳис тўлар эди,  
Капалакдек учиб кетгим келар эди,  
Гулзор аро гулни кучиб ётсам дердим,  
Боларидай гуллардан бол тотсам дердим.

Кенг коинот берилгандай иккимизга,  
Қучоқ очсак еллар тегса кўксимизга,  
Бир қайрилиб боқмабмизам дўстимизга,  
Кўз узмабмиз ёрнинг қалам қошларидан,  
Тавон тилса ўпгудай тоғ тошларидан,

Биздан кечиб кетди ўшал қалам қошим,  
Ўзга ёрни елкасига қўйди бошин,  
Дўстларимнинг кўкрагига томди ёшим,  
Нечун бизни бахти қаро сайладилар,  
Не қилсалар -- қилиб шоир айладилар.

\* \* \*

Гулчи, гулчи, гулчилар,  
Гулларимни қайчилар.  
Суйганимни бошини  
Бойлаб кетди совчилар.

Кўзларимнинг қораси,  
Қошларимнинг ораси,  
Айтинг менга дўстларим  
Борми дардим чораси?

Кўз тегмайин кўзига,  
Лаб босмабман юзига.  
Қайдан ошиқ бўлдим-а  
Бойваччанинг қизига.

Тенг тенгини топаркан,  
Ғариб суйса чопаркан.  
Суйганига бермай бой  
Ўз қизини сотаркан.

Гулчи, гулчи, гулчилар,  
Гулларимни қайчилар.  
Тушларимда бой қизи  
Юрагимни чимчилар.

## **ЖОНОН**

Билолмадим дилингни,

Ололмадим кўнглингни.  
Мендан кетдинг юз буриб,  
Оллоҳ берсин йўлингни.

Кўйлаги бурма жонон,  
Кўзлари сурма жонон.  
Пойласам йўлингни мен  
Лабингни бурма жонон.

Кокилинг ҳар толаси,  
Буғиб жоним оласи.  
Раҳм қил зорланмасин  
Бир мушфиқнинг боласи.

Кўйлаги бурма жонон,  
Кўзлари сурма жонон.  
Севиб қолди мени деб  
Кўксингга урма жонон.

\* \* \*

Йўлингизда кўзим толди келмайсизму,  
Ёки менинг кутганимни билмайсизму.  
Кокилингиз рақсга тушар еллар билан  
Айтинг гўзал жонимга жон бўлмайсизму.

Сизни ташлаб кетолмайман кўзим қийиб,  
Хуснингизга термуламан ичим куйиб.  
Наврўзойдек безанасиз тўрт фасил ҳам,  
Куйдирасиз мени шохиатлас қийиб.

Момом таққан пилик сизнинг сочингизда,  
Кўнглим тушган сулув сизнинг ичингизда.  
Ғариб кўнглим ўртанади сизни эслаб  
Сиз ҳам мундоғ келиб кўнгил очингизда.

Севмайман деб айтолмайсиз юрак ютиб,  
Ё мен билан кетолмайсиз қўлим тутиб.  
Яна минг йил кутишим бор кут десангиз,  
Сочимга оқ оралади Сизни кутиб.

\* \* \*

Сизни севдим деган билан кўнгил тўлмас,  
Сиз томонга элтмас йўллар тўғри йўлмас.  
Бардош деган бир туйғу бор тошдан қаттиқ,  
Бир бевафо ташлаб кетса одам ўлмас.

Чорамиз йўқ, яшаймизда кўнгил ярим,  
Ярим кўнгил ярмини ҳам босган захм.  
Ишқ-мухаббат деганини мана кўрдик  
Яратганим ўзинг менга бергил тўзим.

Кимга ёрсиз, ўша айтсин бахтлиман деб,  
Умрингизга ишқингиз-ей берсинда зеб.  
Қикир-қикир кулишасиз турткилашиб,  
Минг азобда қоламан мен ич-этим еб.

Бир лағзада ўтди бари, ё тушимми?  
Учиб кетди, тутолмадим оқ қушимни.

Чилдирмасин чалиб хаёт хўп ўйнатди  
Хануз йиғиб ололмайман эс-хушимни.

\* \* \*

Мен тош ҳам гоҳ эриб кетаман,  
Ширин жон баҳридан ўтаман,  
Гуноҳим бир кўнглим, нетаман,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

Юзингиз кетади ярақлаб  
Қуёш нур сочгандай чарақлаб,  
Ва топдим қирқ ёшни варақлаб,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

Сочларим оқариб бормоқда,  
Қирқ ёшим қилни қирқ ёрмоқда,  
Бу бошим турибди сиртмоқда,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

Кундага қўйсам гар бошимни,  
Қузғунлар еса ҳам лошимни,  
Кўрмайин кўзингиз ёшини,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

Мен ўлсам тўзмасин ўйингиз,  
Нимага йўйсангиз йўйингиз,  
Ва кулиб тупроққа қўйингиз,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

Тош меҳрим тошдайн қотмасин,  
Номардлар ётларга сотмасин,  
Юзингиз қуёши ботмасин,  
Кулсангиз бир ширин куласиз.

## **РАШК**

Сен гулларни ҳидласанг  
гулдан ҳасад қиламан.  
Кокилингни ўйнаган  
елдан ҳасад қиламан.

Ў, майсани силаган  
қўлгинангда гинам бор,  
Келиб дардин айтмаган  
дилгинангда гинам бор.

Келиб ғариб бошимдан  
меҳр нурын сочмайсан,  
Ва ё бир бор ҳол сўраб  
қулфи дилинг очмайсан.

Дил ўртанса сен томон  
ноз қиласан қасдма-қасд,  
Гулни босиб бағринга  
роз қиласан қасдма-қасд.

Билардингку неча бор  
йўлларингни зор кутдим,  
Юрак қолди сен билан

маъзур тут ёр, мен кетдим...

\* \* \*

Сиз томонга кўнглим чоғланар,  
Сизни эслаб юрак доғланар,  
Муҳаббат бор диллар боғланар,  
Сизни кўргим келади, Сизни.

Чаманларда кўзим толади,  
Булбул хижрон куйин чолади,  
Сизни гуллар ёдга солади,  
Сизни кўргим келади, Сизни.

Эй муғанний бу қандай наво,  
Сенда соқий недур муддао,  
Менинг дардим дўстлар бедаво,  
Сизни кўргим келади, Сизни.

Ишқ юракда занглаётган тиғ,  
Вафо бошга қачон бўлгай туғ,  
Соғиндим мен, эй нигоҳи чўғ,  
Сизни кўргим келади, Сизни.

\* \* \*

Юрак орзу-ҳавасга тўла,  
Вужудимни босар ҳаяжон.  
Фарзандингга сен оқ йўл тила

Оқ фотиҳа бергил онажон!

Мен уфққа тикдим кўзимни,  
Бир қадамдай гўёки осмон.  
Мен оташга урдим ўзимни,  
Оқ фотиҳа бергил онажон!

Йўлим олис, манзил кўп йироқ,  
Имиллайди саҳрода карвон.  
Адашмадим йўлимдан бироқ,  
Оқ фотиҳа бергил онажон!

Сен меҳримга, мен шеърга ташна,  
Ўртамизда ғов бўлур довон.  
Мени сўлим боғларга бошла,  
Оқ фотиҳа бергил онажон!

## **ОШИҚ БОЛА**

Сиз ҳали билмайсиз,  
Ҳали билмайсиз,  
Ҳаттоки келмаган хаёлингизга.  
Нечун тушунмайсиз?  
Эҳ, тушунмайсиз,  
Ўғринча кирмадим чорбоғингизга.

Ҳар куни ўтаман деворингиздан,  
Кўриқчи деворда панжам изи бор.  
Хунобман узолмай  
Гулзорингиздан,

Сўрангиз,  
Деворнинг мингта кўзи бор.

Баландроқ кўтаринг кўрғонни энди,  
Ёт кўзлар боқмасин девор мўралаб.  
Ана холаларим қулликка келди  
Неча кўрғонлардан гуллар саралаб.

Ўғрига чиқарманг,  
Қилмангиз гумон,  
Бир мўмин банданинг ношуд ўғлини.  
Мен олиб кетгани келдим, холажон,  
Хаёлим ўғирлаб келган ўғрини...

\* \* \*

Мени кечир севганинг  
беҳад бағри тош экан.  
Сенинг кўнгил берганинг  
бир парча бардош экан.

Гулдай умрингни елга  
совирибди нетарсан.  
Шамолларга кўшилиб  
елдай учиб кетарсан.

Ҳар баҳорда гулларнинг  
бошин силаб келиб тур.  
Сенинг бағринг эзилди  
гулга тўзим тилаб тур.

Мен шоири девона  
висолингга ташнаман.  
Васлингга-ку етмадим,  
дардларингга ошнаман.

Мени кечир севганинг  
беҳад бағри тош экан.  
Сенинг кўнгил берганинг  
бир парча бардош экан.

Кела қол эй, моҳитоб  
мендан йироққа қочма.  
Шоирингга дил очдинг  
севганингга дил очма...

\* \* \*

**ОНА:**

Бир буюк туйғу бор дунёда азиз,  
Эр йигит сотмагай кечса ҳам жондан.  
Керак бўлса минг жон фидо, бир эмас,  
Нима бор муқаддас ахир Ватандан.

**ЎФИЛ:**

Нима бор Ватандан дунёда буюк,  
Ватан она каби муқаддас, суюк.  
Ҳар майса, ҳар кафт ер қалб кўримдадир,  
Ватан туйғуси бор фарзандинг тирик.

**ОНА:**

Шукурки оқ сутим оқлаб ўзини,  
Тунлар тўлғонганим кетмабди бекор.  
Ерда қолдирмабсан онанг сўзини,  
Розиман, рози бўл эй Парвардигор.

**ЎФИЛ:**

Пойинг теккан тупроқ кўзга тўтиё,  
Сажда қилгим келар юзимни босиб.  
Юртим ардоқлайман, бу юртда илло  
Аждодларим руҳи юрибди кезиб.

\* \* \*

Кетолмайман мен ҳам кўнглимни узиб,  
Сени кўрсам вужудим оташ бўлур.  
Кўрганингда сен ҳам мени ер чизиб  
Сўз демайсан, киприкларинг ёш бўлур.

“Оҳ” дейману оҳларимдан чиқар дуд,  
Яёв кезиб товонларим тош бўлур.  
Мен чидайман! Чидолмайсан сен унут,  
Сўз демайсан, киприкларинг ёш бўлур.

Икки олов аро қолдим мунғайиб,  
Икки ўтда юрагим толош бўлур.  
Лабинг тишлаб қимтинасан ўртаниб,  
Сўз демайсан, киприкларинг ёш бўлур.

Кўрмайсанму дунёи дун ишини,

Бу дунёда ким бизга сирдош бўлур.  
Топдим десам кўнглимдаги кишини,  
Сўз демайсан, киприкларинг ёш бўлур.

Хаётимга кирдинг томчи ёш билан,  
Тирноғимдан сочгача бардош бўлур.  
Кетмайсанму кулиб-кулиб кўнглимдан,  
Куласану киприкларинг ёш бўлур.

## **МЕНИ УНУТ**

Бўлди бас, энди етар  
жонона мени унут.  
Отмасин майлига тонг  
дурдона мени унут.

Лабларимнинг гардини  
кипригинг ювгай санам,  
Бу қандай синоат деб  
хайрона мени унут.

Мен кетаман бағрим хун  
ҳаста дилим тоғ қилиб,  
Бўлмайин изимга зор  
девона мени унут.

Мен унутдим кипригинг  
юзингга солган сояни,  
Соя солди ишқима  
хижрона, мени унут.

Унутди дўст-ёрларим  
унутди қавмим менинг,  
Бўлмайин сўнган шамга  
парвона мени унут.

Унут бўлғай яхшилиғ,  
ўчмагай доғ тушса ном.  
Бўлмайин эл оғзида  
афсона мени унут.

Гулдайин нозигим гард  
юқмасин дейман санга.  
Пинҳона севдинг мени  
пинҳона мени унут.

Муҳаммад Умар сени  
унутди жондан кечиб.  
Кечгилу ширин жондин  
мардона мени унут.

## **ИККИ СОҲИЛГА ЎХШАЙМИЗ**

Сиз бошқасиз, мен бошқаман,  
Кўзи сузук, қоши камон,  
Сиз яхшисиз, мен-чи ёмон  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

Кўз ёшимиз дарё-дарё,  
Дардимизга борму даво?

Кўнглим тушган қиз бевафо,  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

Бирлаштирар тоғни адир,  
Икки дунё, икки тақдир,  
Сиздан дуо, биздан сабр,  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

Сиз хаётсиз, мен ҳам тирик,  
Мисли сувда қалққан кўпик,  
Бирлаштирамас хатто кўприк,  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

Сизнинг томон яшнаб ётар,  
Бизнинг томон қақраб ётар,  
Сиз кун чиқар, биз кун ботар,  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

Кўлни очинг дуоларга,  
Бўяб нақшин хиноларга,  
Кўприк бўлинг дарёларга,  
Икки соҳилга ўхшаймиз.

\* \* \*

Чорла бу кеч ёр қошинга  
висолдин анжуман қилғил.  
Кўзим фақат сени кўрсун  
кўз ўнгимни туман қилғил.

Қахратондай қахирли дил,  
дилни айла ишқингга қул,  
Билсанг хижрон заҳриқотил  
кўнгулларни чаман қилғил.

Елдай елиб ўтар ёшим,  
тугади сабру бардошим,  
Аламлардан чиқмас бошим,  
мушқулимни осон қилғил.

Тилга келмас тайинли сўз,  
дўст бўлолмас кўзингга кўз,  
Алдаб кетди кўздайин дўст,  
дардларимга дармон қилғил.

Савобимдин кўп гуноҳим,  
ишқ сиғинган саждагоҳим,  
Ишққа сажда қилган чоғим  
ишқдин сен ҳам Ватан қилғил.

Шул Ватанда шавққа тўлдим,  
ёр кадрини энди билдим,  
Ўлимимга рози бўлдим,  
сочларингдин кафан қилғил.

Ишқингга ким шоҳу султон,  
мен гадойинг, ўзинг ҳоқон,  
Бир танга сен бўлолсанг жон  
Муҳаммадни кел, тан қилғил.

## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Бир кам яралгандир асти бу дунё,  
Эзгулик ўрнида зулмат ва риё.  
Имтихон этмоқда фалак, юрагим  
Собит бўл, маҳшарда олмассан жазо.

\* \* \*

Аслида яшашлик бу мушкул юмуш,  
Бунданда ортиқроқ йўқдир оғир иш.  
Бинонгни тақдирин ҳал этар ўшал,  
Сен ўйлаб, ўйламай қўйган ҳар бир ғишт.

\* \* \*

Ташлаб кетдинг, роҳат қилдим,  
Ёндим фироқ бўсасида.  
Роҳат қилдим, мен чўмилдим  
Тўлган сабр косасида.

\* \* \*

Ичавердим бу ҳаётнинг шаробини,  
Ўқиб билдим умр отлиғ китобини.  
Бир гул юзнинг дудоғига лаб босдим  
Олдим ғани минг йил қилган савобини.

\* \* \*

Бўз кўнглим кўнглингдан сув ичса қани,  
Ва ёки оромдан дил кечса қани.  
Умрим сўнгигача қуйсада таним  
Сенинг гул вужудинг бир қучса қани.

\* \* \*

Кгзларим кгзига тгймаса нетай,  
Юрагим маприиб игймаса нетай.  
Дардида дарбадар даштларни кезсам  
Ҳолима ул малак куймаса нетай.

\* \* \*

Эй қишнинг малаги, суюкли арча,  
Барибир суймасман гулни суйганча.  
Дардимга даво ҳеч бўлолмагайсан  
Баҳорнинг дард берган бир тиконича.

## **ФОСИҚҚА**

Асти хаёт кенг ўрмон  
Гоҳ илонсан, гоҳ чаён.  
Одам бўлиб туғилдинг,  
Одам бўлмоғинг гумон.

## **ДИЛДОРА**

Кўзларимга куйилиб чиройинг куйдиради,  
Осмон ўзинг йироғу лек ойинг куйдиради,  
Қикир-қикир кулгандай шўх сойинг куйдиради,  
Чирой ҳам сен, ой ҳам сен, сой ҳам ўзинг Дилдора.

Хусну малоҳатингга мафтун бўлдим мен ҳай-ҳай,  
Тенгсиз ишқ оташига ўзни оддимми атай?  
Кўнгул экан мазур тут, кунгул экан не қилай,  
Кўзи сузук, қошлари ёй ҳам ўзинг Дилдора.

Муҳаббат уммонида тизимсиз дур ҳам ўзинг,  
Парипайкарлар ичра ягона хур ҳам ўзинг,  
Қуёш энтикиб сочган энг ёруғ нур ҳам ўзинг,  
Гўзалликда бетимсол бой ҳам ўзинг Дилдора.

Бир чеккада мунғайиб жамолингга қарайман,  
Ҳаёлимда қирқ кокил сочларингни тарайман,  
Ёринг бўла олмадим энди аканг бўлай ман,  
Юрагимда энг оғриқ жой ҳам ўзинг Дилдора.

## **ШИРИНДАН ШИРИН**

Ўртар дилимни хижрон, хижрон шириндан ширин,  
Эй лаби ғунча хандон, хандон шириндан ширин,  
Бузилди аҳду паймон, паймон шириндан ширин,  
Парво қилмайди жонон, жонон шириндан ширин.

Кўзларида аксим бор, яширсайди кўзига,  
Дилидаги ишқини чиқармас ҳеч юзига,  
Менку майли мен ғариб, қийин қилар ўзига,

Чиқарсангчи ёр забон, забон шириндан ширин.

Алдамчи ёр алдади, узун ташлаб арғамчи,  
Юрагимни титратган ёлғонмикан ё қамчи,  
Сизиб-сизиб оқади юрагимдан қон томчи,  
Бунча ширин бу ёлғон, ёлғон шириндан ширин.

Ишониб қолдим сенга дилда ишқим туфайли,  
Бўлолмадим мен Мажнун, бўлсанг ҳамки сен Лайли,  
Алдамлар дунёсида алданиб яшай майли,  
Сен бўлдинг менга армон, армон шириндан ширин.

Қирққа кирмай кийноғинг қаддимни қайирди ёр,  
Дўстларидан Мухаммад Умарни айирда ёр,  
На ёр қолди ва на дўст, ва на-да қолди ағёр,  
Ўзинг бўл дардга дармон, дармон шириндан ширин.

\* \* \*

Сен...

Менинг ҳақимда не деб ўйлайсан?  
Не деб сенга ҳижрон ўтказар зуғум?  
Сен мени севасан!  
Иқрор бўлмайсан,  
Қушлардан озодроқ,  
Гуллардан ҳурим!

Не деб озор берур сенга муҳаббат,  
Сен-ла йиғлайдими  
Ёстиғинг юм-юм?

Сенинг кулмоғингдан яқин қиёмат,  
Қушлардан озодроқ,  
Гуллардан ҳурим!

Яна юрак ютиб  
Кўчангдан ўтдим,  
Тикан босган кўчанг қувлайди изим.  
Кетмадим.  
Сочларинг хидини туйдим,  
Қушлардан озодроқ,  
Гуллардан ҳурим!

Севдим-у,  
Бўлдим мен ҳар нега кодир,  
Хатто этак қоқиб  
Кетмоқчи бўлдим.  
Мен соянг эмасман,  
Ошиқман ахир,  
Қушдан-да озодроқ,  
Гулдан-да ҳурим!

\* \* \*

Юракда бир дардим бор,  
Неча йилки аримас.  
Холинг не деб дўсту ёр  
Келиб бир бор сўрамас.

Ҳар субҳидам кўзда ёш  
Чекаман ох, нолалар.

Нафасим теккан тошдан  
Очилади лолалар.

Содик дўст бўлолмадим,  
Дўстларимдан гинам йўқ.  
Соҳтами деб қўрқаман,  
Баъзан юракдаги чўғ.

Майли яхши ёмондир,  
Йигит гулдай сўлмасин.  
Қон-зардоб бўлсин, аммо  
Юрак тошдан бўлмасин.

## **АЛАМ ҚИЛСИН**

Бармоғини тишлаб қолди ўланчи қиз,  
Суйганининг оғушида ўзга бир қиз,  
Йиғлаб борар тош кўчада эссиз, эссиз,  
Бугун тўйдан йиғлаб қайтар, алам қилсин.

Ўланчи қиз йиғлаб айтар ўланини,  
Энди қайдан топсин кўнгил қўйганини,  
Ўзга ёрга бериб қўйди суйганини,  
Ўланини йиғлаб айтар, алам қилсин.

Алам қилсин, менга алам қилган эди,  
Дардим айтсам кулоқ тутмай кулган эди,  
Кулиб-кулиб юрагимни тилган эди,  
Йиғлаб энди қайга кетар, алам қилсин.

Бошга тушган менинг куним бошигдадур,  
Аламларинг бугун қонли ёшингдадур,  
Пешонангга битган йигит қошингдадур,  
Бир дардимни минг дард этар, алам қилсин.

Бармоғини тишлаб қолди бевафо қиз,  
Суйганинг оғушида ёт, барно қиз,  
Йиғлаб борар тўй ортидан ёр изма-из,  
Ай, ўзидан кўрсин, етар, алам қилсин.

## ОШИҚ

Эй юзлари ой,  
гулим, гулойим.  
Кўз тегмасин-эй  
сизга илойим.

Бўю бастингиз  
адоси ўзим.  
Сузук кўзингиз  
гадоси ўзим.

Айламанг ваъда  
Алпомиш келса.  
Сиз деб кемиргум  
магар тош келса.

Сувин симиргум  
Кўли-Қуббонни.  
Бой берган номард

сиздай жононни.

Эй, юзи гулгун  
хуру хиромон.  
Ошиғинг ўлдим  
этма саргардон.

\* \* \*

Минг бир куйга солдим ўзимни,  
Ўз-ўзимдан нафратим ортар.  
Яқинлардан чекканда фирок,  
Бир туйғу бор ўзига тортар.

Ўз-ўзимга бериб панд, дашном,  
Меҳр недир ўргатолмадим.  
Мен ўзимни севдимми кўпроқ,  
Сизга меҳр кўрсатолмадим.

Қабрингизга тош илдиз қўйиб  
Шалоладай лолалар унар.  
Бир кун кетар танамдан титроқ,  
Кўзимдаги ёш бир кун тинар.

Дил ўртанса қизимни суйиб,  
«Онажон» деб бағримга босдим.  
Бир сўз билан ўзимни алдаб,  
Юрагимнинг чигалин ёздим.

Қўлин бигиз қилиб кўрсатиб,

Кас-нокаслар туртиб ўтади.  
Қачонгача бу дарду алам,  
Онажоним қачон битади.

Қани эди, тупроқ бўлсаму  
Пойингизда ётсам бир умр.  
Пойингизга ҳок бўлмоқни ҳам  
Бизга раво кўрмади тақдир.

Ҳаёт ўтаверар жўш уриб,  
Сўтилади юрагим чок-чок.  
Пойингизда ётгувчи ўша  
Тош ҳам она мендан бахтлироқ.

## **САҲРОДАМИЗ**

Саҳродамиз, ром этмас ёр жилвалари,  
Қайда қолди, қайда водий жилғалари,  
Муаттар хид таратган ул жийдалари,  
Ё ҳолимни тушунмайди тўйда биров.

Неча сулув кокилида уриб ўтди,  
Бири хайрон, бири мендан кулиб ўтди,  
Назар солса дея тамоқ қириб ўтди,  
Аҳволимни англамайди тўйда биров.

Бугун тўйда барча қизлар бирдай гўзал,  
Ҳаммаси ҳам битилмаган шеър-ғазал,  
Нега келдим, бу тўйга мен? бўлдим ўсал,  
Саволимни англамайди тўйда биров.

Тилла узук ярашибди бармоғига,  
Кўз ёш қилдим мен қадирдон чарбоғига,  
Айланганди ўшал қўллар белбоғимга,  
Ё кўз қирин ташламайди менга бир ров.

Ошиб ўтар эдим кунда паст девордан,  
Ширин туйғум қолар эди, ёт ғубордан,  
Бугун нима қолар бўлди айт Умардан,  
Ҳисларимни босиб ётар энди қиров.

Сахродамиз, ром этмас ёр жилвалари,  
Қайда қолди, қайда водий жилғалари,  
Муаттар хид таратган ул жийдалари,  
Ёр ҳолимни англамайди энди биров.

## **ДАВРАДАГИ ХУР ПАРИ**

Сахнада, воҳ, ажиб бир жанон кўрдим,  
Жисмим аро яна битта жон кўрдим,  
Бир-бирига жонимни қурбон кўрдим,  
Моҳитабон экан дедим ичимда.

Оппоқ либос кийиб олган қуш экан,  
Бошгинамдан учиб кетган хуш экан,  
Бир қучмасанг ширин-ширин туш экан,  
Сарвиравон экан дедим ичимда.

Ишвалари ўйнатади кўзимни,  
Сўзлай десам адаштирар сўзимни,

Етти ётдай қилиб қўйди ўзимни,  
Кимга жонон экан дедим ичимда.

Келгил жонон ёноғингдан ўптиргил,  
Кўзларингдан, қароғингдан ўптиргил,  
Олов каби дудоғингдан ўптиргил,  
Орамижон экан дедим ичимда.

Даврадаги ўйнаётган хурпари,  
Кўкда ойсан, сувда эса сувпари,  
Муҳаммадни хайрон этган дилбари,  
Офатижон экан дедим ичимда.

## **КЕЛ, АЗИЗИМ**

Чапак чалиб ой йиғлар бу кеч,  
Кел, азизим, келгил мени куч,  
Ажратолмас бизни ғайри куч,  
Ўйна дейман, ўйна, кўка уч,  
Кел, азизим, келгил мени куч.

Сенсиз менга гул дудоғ очмас,  
Ишқимиз бор қилгудек ҳавас,  
Ишқимиздан гуллар ҳам сармаст,  
Ўйна дейман, ўйна, кўка уч,  
Кел, азизим, келгил мени куч.

Сени кучсам гуллар мўралар,  
Оёғимга сархуш ўралар,  
Изимизга зордур парилар,

Ўйна дейман, ўйна, кўка уч,  
Кел, азизим, келгил мени қуч.

Ишқимиз бор кўкдаги ҳилол,  
Ишқимиз бор булоқдек зилол,  
Мен суймаган яхши қиз хуш қол,  
Ўйна дейман, ўйна, кўка уч,  
Кел, азизим, келгил мени қуч.

Пойинг ўпиб ётибди гуллар,  
Бугун сенинг пирларинг кўллар,  
Гал сеники Муҳаммад Умар,  
Яйра дейман, яйра, қувна, уч,  
Кел, азизим, келгил мени қуч.

## **ЁРНИ КЎРИНГ**

Ошиқ ўлди нимасига Умар деманг,  
Ёрнинг ёлғон ишвасига учар деманг,  
Бир кун келиб ҳаммасидан кечар деманг,  
Аввал ёрни менинг кўзим билан кўринг.

Атлас либос ёр эгнида ёниб кетар,  
Дилни ўртаб, висолига ташна этар,  
Карашмаси бир кун келиб бошга етар,  
Ўшал ёрни менинг кўзим билан кўринг.

Гул ўпмаган ҳали ёрнинг дудоғидан,  
Ишқим ортар ҳар бир этган фироғидан,  
Завқланаман ўпиб бир-бир бармоғидан,

Гўзал ёрни менинг кўзим билан кўринг.

Ошиқ ўлдим юзлари ой, қирмизига,  
Ошиқ ўлдим Қўқонжоннинг ой қизига,  
Ҳар кимники кўринади ой кўзига,  
Аввал ёрни менинг кўзим билан кўринг.

## **БОБОЖОНИМ**

*Бобом Мирзо Маҳмуд хотирасига ҳурмат ила бағишладим*

Бобожоним мени эркалаб,  
Номин тўлиқ айтинг дердингиз.  
Номим тўлиқ айтишин сўраб  
Яқинларга озор бердингиз.

Ризқи улуғ бўлсин боламнинг,  
Нони бутун бўлсин дедингиз.  
Сўнг номимни яримта қилиб  
Қўлларимга тобут бердингиз.

Ох, бобожон, бобожонгинам,  
Фариштадай беозоргинам.  
Шўхликларим кўтарган, суйган  
Болали уй деб, бозоргинам.

Набиралар йиғилганида,  
Қувондингиз гўдак боладай.  
Чанг солганда сақолингизга  
Торт дедингиз қаттиқ, болакай.

Мени суйиб, эркалаб дилга  
Севинч, шодлик ўтин солдингиз.  
Энди мени ўтларга ташлаб  
Дилга дунё додин солдингиз.

Дер эдингиз, эшитганим бор,  
Боболарнинг ўтмоғи мерос.  
Набиралар Сиздек беозор  
Қаддингизга етмоғи мерос.

Бобожоним, бобожонгинам,  
Гулдай менинг беозоргинам.  
Ота-онам койиса суйган  
Болали уй деб, бозоргинам.

Чангда қолган китобларингиз  
Бир кун чангин артаман бобо.  
Рухингизни шод қилиб бир кун,  
Йўлингизга қайтаман бобо.

Фақат мендан рози бўлингиз,  
Туш кўраман Сизни тонг сахар.  
Ушбу шеърин битди соғиниб  
Набирангиз Муҳаммад Умар.

## ГЎЗАЛИМ

Эй, сиз менинг қалбимда куртак ёзган ниҳолсиз,  
Зам-зам сувдек покиза, ҳам беғубор, зилолсиз,

Қирқ йил ухлаб тушимда кўрган ёлғиз аёлсиз,  
Нечун мени зорлайсиз, сийламайсиз гўзалим.

Мен ҳам башар фарзанди, кимларгадир азизман,  
Кимлардир оҳ чекади пойимга кирса тикан,  
Ўз суягинг азизу ўзга суяк хор экан,  
Наҳот ошиғингизни ўйламайсиз гўзалим.

Сиз гўзалсиз бетимсол, кўзингизга шайдоман,  
Ой-ла хусун талашган юзингизга шайдоман,  
Таъриф айламай бир-бир, ўзингизга шайдоман,  
Нечун ишқ алёрини куйламайсиз гўзалим.

Сиз хурсиз, хуру ғилмон қўлидан гулоб ичган,  
Мен нотавон ишқни деб зардоб ютган, қон кечган,  
Сизсиз тенгсиз гулим деб, чағир тиканни кучган,  
Нечун бир бўйимизга бўйламайсиз гўзалим.

Майли, пардани йиртмай бир бора ташланг назар,  
Оташ бўлиб ёнаман сочимдан тирноқ қадар,  
Куйингизда кул бўлди куйиб Муҳаммад Умар,  
Нечун дилдагин тилда сўйламайсиз гўзалим.

## **АЗИЗ АЁЛЛАР**

Гоҳо суюк, гоҳида аччиқ сўзга нишонсиз,  
Тилда койиган бирлан дилда ўша-ўшасиз,  
Бизнинг кўнглимиздаги фаришталар ўша Сиз,  
Сиз биз учун азизу муқаррамсиз аёллар!

Сизсиз кунимиз зулмат, тунимиз қиёмат қойим,  
Дард чексак, алам чексак парвонасиз Сиз дойим,  
Мақташга ҳам қўрқаман, кўз тегмасин илойим,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

Дунё ғами тушса ҳам нолимайсиз турмушдан,  
Бир кўлингизда бешик, бири чиқмас юмушдан,  
Лобарлигингиз Лайли, суҳанингиз Кумушдан,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

Сиз онасиз, сизларни хатто Оллоҳ сийлаган,  
Сизни меҳру муҳаббат, бардош ила ийлаган,  
Бир куни кўр бўлади сизни азиз билмаган,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

Яхшилик қил онангга, онангга ва онангга,  
Бир кафтда тоғ кўтарган мусичадек бир жонга,  
Ким сизни азиз билгай, йўлдош эрур иймонга,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

Биз кўрғон бўлсак бахтдан бино қуриб берасиз,  
Ғам келса, алам келса бирга туриб берасиз,  
Алпомишу Барчиндай фарзанд туғиб берасиз,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

Таърифингизни излаб қўйиб бердим ҳаёлни,  
Баъзан кўрқиб кетаман суйдимми деб ҳилолни,  
Ҳилолдан-да гўзалроқ суйдим мен хур аёлни,  
Сиз биз учун азизу мукаррамсиз аёллар!

## КЕЛМАСАМ

Шамоллар судраклаб келдилар,  
Эпкилар этаклаб келдилар,  
Лолалар этаклаб келдилар,  
Хаёллар йўргаклаб келдилар,  
Келмасам...  
Келмасам...  
Келмасам...

Кўкда Ой юзини яширди,  
Ёмғирлар сел бўлди, тоширди,  
Шамоллар тез бўл, деб шоширди,  
Довуллар тоғлардан оширди,  
Келмасам...  
Келмасам...  
Келмасам...

Келмасам... сочимни юлдилар,  
Келмасам... устимдан кулдилар,  
Кўнгилга ғам-ғусса тўлдилар,  
Бизларни айирмоқ бўлдилар,  
Келмасам...  
Келмасам...  
Келмасам...

Бардошим тоғлар-ла тутинди,  
Шўх сойлар чанқади, ютинди,  
Кел, дея изимдан ўтинди,  
Бойчечак пойимга чўкинди,

Келмасам...

Келмасам...

Келмасам...

Бормайин қайга ҳам борардинг,

Кўнглингни қай касга ёрардинг,

Йўлимга зорланиб қарардинг,

Бир куни ахтариб борардинг,

Келмасам...

Келмасам...

Келмасам...

## ОШИҚ ЎЛДИМ

Ширин ҳаёл олар мени оғушига,

Кирдимми ё бирор сулувнинг тушига,

Ётсаммикан тўшим қўйиб ёр тўшига,

Ошиқ ўлдим Тош шаҳрининг оққушига.

Тош шаҳрининг сулувларин нози ёмон,

Нозидан ҳам дилни чертар сози ёмон,

Ишқинг олиб инъом этар оғрик, армон,

Вафо қилмоқ келармикан ё ҳушига.

Бориб келдим Бухоро-ю ҳам Самарқанд,

Бориб келдим Душанбе-ю Чорку, Хўжанд,

Сенинг сулунг каби сулув йўқдир Хўқанд,

Бориб кўрдим Бешкеки-ю ҳам Ўшига.

Ширин ҳаёл олар мени оғушига,

Кирдимми ё бирор сулувнинг тушига,  
Ётсаммикан тўшим қўйиб ёр тўшига,  
Ошиқ ўлдим Тош шахрининг оққушига.

## **БАҲОРИМ**

Баҳор сени келар куйлагим,  
Сен келсанг-да ўйнаб кулмадим,  
Мен ғарибни уриб-сўкмайин  
Бойваччалар йиртди кўйлагим,  
Ўзинг мени асраб қол баҳор.

Оёғимни қитиқлар майса,  
Шабнам ила гул юзин чайса,  
Сенга сингиб кетгим келади  
Борлиқ янги кўйлагин кийса,  
Ўзинг мени асраб қол баҳор.

Сени бергим келмас бировга,  
Бас келолмам бир олам ёвга,  
Раҳм айлагил менга баҳорим  
Сайёд яна чиқдилар овга,  
Ўзинг мени асраб қол баҳор.

Бошингдаги қировми, қорми?  
Мендек ғариб дунёда борми?  
Муҳаммадни қадрла ўзинг  
Менга сендан ўзгалар зорми,  
Ўзинг мени асраб қол баҳор.

## КЕЛИНГ ЭНДИ

Кўчангиздан ўтдим яна юрак ютиб,  
Чикмадингиз сув баҳона кўза тутиб,  
Яна дардми, жароҳатми, кетмас битиб,  
Жонга ситам еттирмайин келинг энди.

Деразангиз чертолмайман, ётлар кўрмиш,  
Яхши эмас уйингизга тошлар отиш,  
Ё итлар ҳам хуримайди бари таниш,  
Бевафойим куттирмайин келинг энди.

Ишқингизни юрагимга солган худо,  
Дилингизга солган экан нозу ибдо,  
Яратганга ҳамду сано, ҳамду сано,  
Ётларга қўл туттирмайин келинг энди.

Кўчангиздан ўтмагум бас, мажнун бўлиб,  
Кўзингизга қаролмадим тўйиб-тўйиб,  
Кўлингизни сўратаман совчи қўйиб,  
Жондан алам ўттирмайин келинг энди.

## ЗИЁ БИРЛАН

Ҳаёт тарзинг ўтар нокас  
Токай кибру ҳаво бирлан.  
Беллашмагил белинг чиқар,  
Ўйнашмагил сабо бирлан.

Шашқатордур кўзда ёшинг,  
Паноҳ бўлмас кўзга қошинг,  
Татимагай явғон ошинг  
Ёшлик ўтса хато бирлан.

Кўй, қилмасин муҳтожлик қасд,  
Мен паст эмас, ўзингсан паст,  
Бир буғумдир муҳтожда даст,  
Тузалмагай даво бирлан.

Юзларингга юзим сурдим,  
Қаршигда тиз чўкиб турдим,  
Ўзим бирлан ўзим юрдим,  
Ишинг йўқ бир гадо бирлан.

Ҳасисмисан шунчалар ҳам,  
Йўқ бир оғиз ширин калом,  
Бегонамиз биз, вассалом,  
Ишинг ёлғиз Худо бирлан.

Муҳаммад Умар ғам чекма,  
Нокасларга бошинг эгма,  
Асра, кўзинг ёшин тўкма,  
Дилинг тўлдир зиё бирлан.

## **БУ ҲАЁТ**

Бу ҳаётга кўп ҳам дил берма  
Дилинг вайрон айлагай ҳаёт.  
Номардларга келтириб омад

Мардни сарсон айлагай ҳаёт.

Ишонма кўп зару зўрингга,  
Бир кун шўрва тўкар шўрингга,  
Ўлмайин ғишт терар гўрингга,  
Кўзинг гирён айлагай ҳаёт.

Мартабангга зеб берма инсон,  
Эртанги кун келмоғи гумон,  
Сафарга шай тургил эй, нодон,  
Беш кун меҳмон айлагай ҳаёт.

Бошингдаги тож, тахт омонат,  
Ғойбдан келган гул, бахт омонат,  
Дўстга берган онт, ахд омонат,  
Бир бор имкон айлагай ҳаёт.

Сирот узра тушганда йўлинг,  
Ўтадурсан пок бўлса дилинг,  
Бошга келса сабабдир тилинг,  
Лолу ҳайрон айлагай ҳаёт.

## **ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ҲАҚИДА**

Ерда ётар эдинг хору хас бўлиб,  
Кўлимга олдим мен бир ҳис туғилиб.  
Йўндим мен, ўйдим мен бағрингни тилиб,  
Мендан рози бўлсанг бўлгани сенинг.

Қоғозга чизаман нақшинкор гуллар,

Сўнгра ўйиб олдим қалтираб қўллар,  
Кўриб қувонсин деб кўрар кўз, диллар,  
Мендан рози бўлсанг бўлгани сенинг.

Гулдор қутичасан ва ёки шамдон,  
Меҳрим қўшиб ишлов бердим мен инон,  
Куйиб кул бўлардинг ўтиндай нодон,  
Мендан рози бўлсанг бўлгани сенинг.

Хатто назмда ҳам номинг жарангдор,  
Сен оддий ислими, сен оддий паргор,  
Уста Қодиржоннинг руҳи мададкор,  
Мендан рози бўлсанг бўлгани сенинг.

## **ОНАЖОН**

Тошкан-Қўқон йўли олис-олис довон,  
Гоҳ лочиндай босиб ўтдим, ҳамма хайрон,  
О, мунисим, о, мушфиқим, о, меҳрибон,  
Ярим умрим ўтар бўлди довонларда.

Кўкда қушлар чаҳ-чаҳлашар мени чорлаб,  
Орзуларим қувлаб толдим, эй ғунчалаб,  
Боролмадим гоҳо Сизни ойда йўқлаб,  
Нигоҳларим қолиб кетди осмонларда.

Ўз бағрига чорлагувчи не экан у,  
Онаизор меҳридан-да буюк туйғу,  
Сиздан йироқ топганларим бўлди қайғу,  
Йигит умрим ўтди фироқ, армонларда.

Орзуларим юрагимни кемиради,  
Кўзим ёғин ялаб онлаб семиради,  
Онам хорғин кўзларимга термилади,  
Қахат бўлди гулга етмоқ бўстонларда.

Чорлар умр чоррахаси алвон-алвон,  
Тақдир мени қай йўл бошлар, кўзим гирён,  
Бир бор кўнглинг ололмадим, о, онажон,  
Яйраб-яшнаб юролмадим Қўқонларда.

Бахт у экан, болаликда кечган дамлар,  
Қирқ ёшимда қаддим эгди тенгсиз ғамлар,  
Фақатгина ота-онам бошим силар  
«Юрмайсанми болам Боғу бўстонларда».

\* \* \*

Кутдим сабрим тоғ бўлиб,  
Юрак-бағрим доғ бўлиб.  
Кетдинг кулиб устимдан  
Баҳри дилинг чоғ бўлиб.

Севсам менда не гуноҳ,  
Ёки сенда де гуноҳ,  
Гуноҳим йўқ демасман  
Ёлғиз Тангрим бегуноҳ.

Юрагимни ғашлама,  
Дилим дардда дошлама,

Жисму жоним кул қилиб  
Мени ўтга ташлама.

Сен деганман, севганман,  
Дилдан дардни қувганман.  
Зам-зам сувдек покиза  
Ишққа кўнглим ювганман.

Яна қанча кутаман,  
Қон-зардоблар ютаман.  
Рози бўлсанг қалбимни  
Сенга гулдек тутаман.

## **БАҲОРИМСАН**

*Муҳаммад Юсуф акамга*

Ўртанган дил ўртангани етар энди,  
Баҳоройим кўнгилни шод етар энди,  
Димоғимга бирафшалар тутар энди,  
ЮРАК-баҳор маскан тутган диёримсан.

Орзуларим турна қатор учгани рост,  
Баҳор менинг юрагимга кўчгани рост,  
Бинафшани ўпиб-ўпиб қучганим рост,  
Сен кўнгулдан тўкилгувчи оҳоримсан.

Дашқозонда қайнаётир сумалаклар,  
Алёр айтар атрофида хур, малаклар,  
Гулдан гулга учиб қўнар капалаклар,

Эй, баҳорим сен қўшиғу алёримсан!

Орзиқиш бор юрагимда менинг ҳамон,  
Бир йўқлаб қўй йўлинг тушса Бинафшажон,  
Ўттиз олти баҳор бўлди менга меҳмон,  
Баҳор менинг ҳам зилолу ғуборимсан!

Келиб-кетди алдаб мени неча баҳор,  
Ҳар баҳорга ишондим мен такрор-такрор,  
Ёлғизгина парвонам сен Онаизор,  
Ўзинг йигит бу жонимга мадоримсан!

Дала даштда дов-дарахтлар куртак ёзар,  
Кесилган ток ярасидан қонлар сизар,  
Гуллар маъюс термилишиб бағрим эзар,  
Бошимдаги оппоқ гулдан чопоримсан!..

Ўртанган дил ўртангани етар энди,  
Баҳоройим кўнгилни шод этар энди,  
Димоғимга бирафшалар тутар энди,  
ЮРАК-баҳор маскан тутган диёримсан.